

Гайри маршруъ талок хати текканига олти ойларча фурсат ўтиб кеткан эди. Кумушнинг гўзаллик таърифини гойибона эшитиб, огзининг суви келгучи хотинлик ва хотинсиз орзумандлар «ётиб колгунча, отиб кол!» сўзига амал килиб, кутидорникига совчиларни турна- катор юбора бошлаган эдилар.

Албатта, бунда шубха йўқдирким, Кумушнинг эрдан чикган хабарини Кумушнинг ўзидан ҳам илгари тушунган ва Отабекдан ҳам илгари сезган Хомиднинг совчиси бошка совчиларнинг мукаддимаси, ёз бошида келатурган калдиргочларнинг йўлбошчиси эди. Хомиднинг совчиси бир мартаба келиш билангина каноатланмади, уч-тўрт кайталаб келиб кутидорга Хомиднинг куяв ўгул бўлиш ниятида эканлигини арзу-ниёз кила бошлади. Натижада Хомидбойнинг совчисига берилган жавоб шу бўлди: «Биз Хомидбойни ўзимизга куяв ўгул килишдан ҳеч бир монеълик кўрмаймиз. Аммо кизимиз мундан сўнг эр килмасга каттиг исрор этадир. Шунга кўра Хомидбой бизни кечирсин». Бошка совчиларга ҳам жавоб шу эди. Кутидор билан Офтоб ойимнинг бу жавоблари ўзларича эмас, балки Кумушнинг кўнглига караб берилар эди.

Бирок Кумушбибининг «Ман энди эр килиб бўлдим, мундан сўнг эрга эхтиёжим йўқ», деган катъий жавобига улар узок кулок солиб туролмадилар, чунки унинг бу исрорини «чидамаснинг сўзи» деб онглар ва тузукрак жойи чикганда, эрга беришка ҳам хисоблари йўқ эмас эди. Шунга кўра, келган совчиларнинг ўзларига ёкмаганига гунохнинг барини Кумушнинг бўйнига ағдариб жавоб берар, аммо иккинчи ёқдан тузукрак жойини кўзлар эдилар.

Кутилмаган ерга шахарнинг энг олдинги аъён ва сарватдорларидан бўлган Салим шарбатдор деганнинг Комилбек исмлиқ ўглидан совчилар келиб колди.

Ота-отанинг кутканлари шундай тегу тахтлиқ куяв бўлгани учун биринчи мартаба совчиларни яхши сўзлар ва куюк-суюк ошлар билан жўнатиб, иккинчи келишка ўйлашиб жавоб бературган бўлдилар. Эру хотин узок ўйлашиб турмай (чунки ўйлаштурган жой эмас эди) совчининг иккинчи келишида жавоб беришка карор кўйдилар. Кумушнинг карши тушмаги тўгрисида, албатта, уларнинг шубхалари йўқ эди. Шунинг билан бирга ота-онанинг сўзини ерда колдиради, деб ҳам ўйламас эдилар.

\* \* \*

Куз кунларининг оёги ва киш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сарик барглар тўкилиб тугалган, ер юзи ўзининг кишки сарик кийимини кийган эди. Тўрт томони-нинг ўралганлиги соясида япроқларини тўкилишдан саклаб колган бу гилос ёгочлари ҳам бу кун тунги кора совукка чидалмай, елнинг озгина харакати билан-да баргларини ширт-ширт узиб ташламоқда эдилар. Хаво очик бўлиб, куёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ўзи ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги кора совук куёш кучини-да кескан эди. Ўрта эшиқдан Кумушбиби кўринди. Бурунги тўла-лиги кетиб озгинланган ва лекин бу озгинлик унинг хуснига камчилик бермай, билъакс юкорилатканлар. Камон кошлари ортик мавж уриб ўзини кўрсаткан, бир оз бота тушкан шахло кўзлар тагин ҳам тим

коралик, тагин хам нурлилик касб эткан эдилар. Бу кунги совукка карши кийиб олган совсар пўстинининг ёкалиги кишининг хасадини ортдириб, нафис багбакаларни ўпиб ётар эдилар. Бирок унда бир камчилик бордек кўринар эди: шахло кўзлар бурунгидек ўйнаб турмас ва сўнг чекдаги бир огирлик билан харакатланар эди. Бир томондан караганда бу огирлик-да унга бир олийлик, улугворлик багишлагандек. Келиб айвон муйишига ўлтурди-да, кўзларини огиргина харакатландириб, кетма-кет чип-чип этиб тўкилмакда бўлган хазонларга каради ва хар бир япрокни юкоридан кузатиб ерга кўя борди. Ул ерга тушкан хар бир япрокда ўзининг таржумаи холини ўкур, ўзини-да мавкиъидан айрилиб, хечка чикиб турган шу хазонлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди ва кўзлари жик ёшга тўлди. Енг ичидан бир-бирисига ўткузилган икки кўлини баробар кўтариб кўз ёшини артар экан, ичкари хавлидан Офтоб ойим чикиб келар эди. Ул ер остидан кизига кўз кирини ташлаб мехмонхона эшигини очишга тутинди. Офтоб ойимнинг оркасидан Ойшабиби хам кўринди, келиб Кумуш ёнида тўхтаб сўради:

— Нима килиб ташкарида ўлтурибсан?

— Ўзим, — деди Кумуш кошларини чимириб, четка юзини ўгирди.

— Мехмонхонага кирсанг, сен билан икки огиз маслахатимиз бор эди.

— Нима маслахатингиз бор?

— Олдин кир, болам, — деди кампир ва Кумушнинг елкасига кокиб тургизди. Улар ичкаридаги совчи хотинларни ёлгиз колдириб, Кумушнинг сўзини олиш учун ташкарига чикган эдилар. Аммо Кумуш бўлса сов-чиларнинг олдидан ризосизлигини онглаткандек бир намоиш билан кеткан эди. Ул мехмонхонага киргандан сўнг хам терсайиб токчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади.

— Токчада сан кидирган нарса йўк, келиб ёнимизга ўлтур, — деди Офтоб ойим.

— Ўлтурганимдан сизга бир пуллик фойда йўк, сов-чингизга ўзингиз билган жавобни бераверинг!

Ойшабиби кизига маънолик килиб бир караб олди:

— Болам, ахир икки огиз гап эшит-чи олдин! — деди.

Кумуш ўлтура бермагач, Офтоб ойим кизишди.

— Кизим, санинг бу каршилигингдан муддаонг нима?!

— Сиз билан отамга муддаомни неча кайталаб айтдим-ку: мундан сўнг бу ишни хохламайман.

— Дунёдан ток ўтасанми?

— Ток ўтаманми, йўкми, буни тангри биладир.

— Ман санинг хали хам ўша уятсиз эрингдан кўнгил узолмаганингни биламан. Санинг бу хомтамаълигинг кони болалигингдир. Сан яхши билки, мундан сўнг отанг ул уятсизга ўз уйидан жой бермаганидек, уятсизнинг ўзи хам узил-кесил сани ташлагандир. Агар сўзимга ишонмасанг мана буни ўкуб кара, деди-да, Кумушка бир когоз узатди ва давом этди. — Биз буни сан унга хат ёзганингдан сўнг жавоб ўрнида олган эдик. Бирок ўша вақтда бу уятсизнинг биринчи талок хатиси хам санга етиб ортканликдан бунисини сандан яширган эдик. Хамон-да санинг умидинг кесилмагани учун бу хатни хам кўрсатмакчи бўлдим! — деди. Кумуш когозни онасидан олди:

«Матлукам Кумушбибига. Маним биринчи хатим билан сизнинг менга килатурган эркаликларингизга бир чек кўйилган каби эди. Лекин бунга тушунмабсизми ва ё тушунишка тиламабсизми, хайтовур яна хам эски эркаликларингизни тарк этмабсиз. Хатингизни ўкур ва ўзимни кулгидан тўхтата олмас эдим. Орзуга айб йўк, дейдирлар.

Чекдан ошиб килган хужумларингиз эски кадрдонлигингиз отига кечириладир.

Эндиликда сизга мендек вафосиз ва хийлагар бўлмаган янги эр топилгай эди, деб аддои Отабек Юсуфбек хожи ўгли, 26 жавзо, 1265-нчи йил, Тошканд».

Мактуб унинг юрак жарохатини кайтадан тирнаб ташлаган эди. Кўз ёшини дув-дув тўкиб, хатни ўз тахига солди ва ўзидан жавоб кутиб турган ачаси билан онасига деди:

— Мен бу уятсиз йирткич билан ярашмок учун умид тутмайман, шунинг билан бирга эр хам килмайман!

— Нега? — деб сўради онаси.

— Негами? — деди Кумуш ва йиглаган кўйи жавоб бериб бошлади: — Негаки мен ўзимнинг суйган ва мухаббат кўйган эримдан бунча уятсизлик, бу янглиг вафосизлик кўрдим. Энди эр деган шу бўлибдими? Мундан кўра дунёдан ток ўткан яхшироқ, ёлғиз юрган тинчроқдир. Шунинг учун кизингизга эр отидан сўзламанг-да, яфрок каби титрайтурган юрагига дахшат хам солманг!

Бу сўздан сўнг Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб кеткан, ичкарида жавоб кутиб ўлтургучи совчиларга кандай бахона топиб киришни-да ўйлаб улгурмаган эди:

— Йиглама, — деди. Кумушни мехмонхонада колдириб онаси билан чикди.

\* \* \*

Салим шарбатдорники кутидорга ниҳоятда маъкул тушиб колган эди. Шунинг учун хотини ва кизидан сўраб ўлтурмай бир кун дўконидан эркак совчилар билан битишиб хам келди ва хотинига «мен бу кун фотиҳа килиб келдим, нима бўлганда хам энди кизингни кўндирмасанг бўлмайдир», деди. Аммо Офтоб ойим-нинг эр отини эшитканда титрай бошлайтурган кизи билан учрашмокка асло токати йўк, эрининг бу сўзини эшитканда тамом ўзини йўкоткан эди. Ул кизини кўндириш учун кутидорга ваъда берганда ўз холини икки ёқдан ўктанилган ханжар орасида колгучига ўхшатар, кайси томонга кимирласа хам мухлик яра олишини аник билар эди. Шу кундан сўнг бечора она-нинг огир кунлари бошланди. Эрига берган ваъдасини асло бажара билмас, бул ҳақда кизига огиз очиб сўзлай олмас эди. Хар кун бозордан кайтиб келиб биринчи сўзи «кўндирдингми?» бўлиб колган эридан туни билан койиш эшитар ва кундузлари Кумушка огиз очишга юраксина олмай азобланар эди.

Бир неча кундан сўнг кутидор хам энди ўз хатосини онглаган, чунки хар кун деярлик Салим шарбатдорникидан келиб тўй кунини сўрагучи кишига турлик-турлик бахоналар айта бериб зериккан ва уятдан дўконга тушишни-да тарк килиш фикрига келаёзган эди. Бир кун дўкондан ниҳоятда аччигланиб кайтди ва Офтоб ойимни умрида эшитмаган сўкишлар билан сўқди: «Кизингни деб шахарда бош кўтариб юролмайтурган бўлдим. Кўндирсанг кўндир, бўлмаса мендан уми-дингни уз, мен энди санларнинг дастингдан шахардан кочиб кетмасам бўлмайдирган даражага етдим!» деди. Эртаси кун бечора она кизига машъум мавзудан сўз очишга мажбур бўлди. Кизининг ёнига ўлтуриб сўзлаш ўрнига юм-юм йиглай бошлади. Кумуш эса онасини бу холга солган сирдан вокиф, шунинг учун йиги сабабини сўраб ўлтурмай, ул хам кўз ёшиси билан юзини ювмакка тутинди. Она-бола узок йиглашдилар, кўз ёшлари биткунча бўзлашдилар.

— Бу кунлардан кўра дунёга келмаган бўлсам эди. Бу тириклигимдан кўра, ўлиб кеткан бўлсам эди! — деди охирда Офтоб ойим.

— Янглиш сўзлайсиз, онажон! — деди Кумуш ва: — Сиз дунёда туришка лойик эдингиз, лекин сизнинг дунё-дан тўйишингизга ва кон-кон йиглашингизга сабабчи мен бўлдим. Мен сиёх бахт дунёга келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик ан-духлар ҳам йўк эди. Шунинг учун сиз тангридан сўрангим, тезрок мен машъумани махв этиб, сизга уч-тўрт кун тинчлик берсин, онажон! Сизни бу холда кўришка ва ўз тилагим йўлида сизни курбон этишка ортик токатим битди. Ташландик бу кизингиз, кўлма-кўл юргучи бу ўйинчик кизингиз киму, сиздек бир меҳрибон онани кон йиглатиш ким? Йигламангиз, она. Сизнинг тўкиб келган кўз ёшларингизнинг бир том-чисига ҳам бу ташландик кизингиз арзимас, сиз отамга манинг ризолигимни ташвишланмай билдираверингиз. Ул ҳам кишилар олдида бу бахтсиз кизининг таънасига колмасин. Сиз маним юзимга эзилиб карамангиз, ўйламай-нетмай ризолигимни билдираверингиз! — деди ва юзига тўзгиб тушкан сочини тўгрилаб олгач, давом этди:— Агар сиз менга ортик ачинсангиз, ризолигимнинг бир шarti килиб тўйни келаси кузга бўлишини айтиб ўтингиз, агарда отам бахтсиз кизининг бу тилагини кабул этса-етсун, бўлмаса маним бу тилагим ҳам сизнинг бир томчи кўз ёшингизга арзимас, онажон, сизнинг шодлигингиз йўлида хар бир огирликларга бу бахти каро кизингиз розидир, онажон! Офтоб ойим Кумушнинг бу сўзларига тўзиб туролмай, кизини багрига босиб кучоклади, она- бола тагин шиддатлик равишда кўз ёшига кўмилдилар...

\* \* \*

Офтоб ойимнинг катъий исрорига биноан кутидор ҳам кизининг шартини кабул эткан. Кудалар ҳам келаси кузгача кутишка рози бўлган эдилар. Демак, келаси кузга кутидор Салим шарбатдор каби бир кишига кудалашиб олганидек, Кумушбиби ҳам Отабек ўрнига Комилбекни алмашдирар эди.